

"O'zbekinvest" eksport-import sug'urta kompanyasi" Aksiyadorlik jamiyati
акциялари чиқарилиши ва жойлаштириши шартлари тоғрисидаги малумотлар

қимматли қоғозларни чиқариш бўйича ваколатли давлат рўйхатидан ўтказиш органи	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойихалар миллий агентлиги
рўйхатга олиш рақами	P0914-2
қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана	09.11.2023 йил
асосий фаолияти ва маҳсулотлар (хизматлар) турлари	экспортни суғурта билан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс хизматларни, шу жумладан харидорнинг кредити, қисқа муддатли дебиторлик қарзи, етказиб берувчининг кредити, тасдиқланган аккредитив, экспортчининг айланма маблағларини тўлдириш учун берилган кредит, экспорт факторингини ва экспортни суғурта билан қўллабқувватлашнинг бошқа инструментларини тақдим этиш; хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига киритиладиган тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларнинг комплекс суғурта ҳимоясини таъминлаш; Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ бошқа суғурталаш турларини амалга ошириш; хорижий мамлакатларнинг экспорт-кредит агентликлари, суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан тижорат ва сиёсий хатарларни суғурталаш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш; халқаро, хорижий ва маҳаллий суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда суғурта ва қайта суғурта операцияларини амалга ошириш; суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий суғурта соҳасида ихтиёрий ва мажбурий суғурта турларини амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида инвестиция фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ юқори ёки барқарор фойда кафолатланган соҳаларда амалга ошириш, молиявий операциялар ўтказиш;
Рейтинглар мавжудлиги ҳақида маълумотлар	2009 йилда «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Ўзбекивест» экспорт-импорт суғурта компаниясига «B1» - «Барқарор истиқбол» молиявий барқарорлик рейтинги тақдим этилган. 2019 йил декабрда молиявий барқарорлик рейтинги «B1» дан «Ba3» - «Барқарор» даражасигача оширилгани расман эълон қилди. Рейтинг берган ташкилотнинг тўлиқ номи: «Moody's Investors Service» Limited 2. 2021 йил 18 февралда «A.M. Best Rating Services» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Ўзбекивест» экспорт-импорт суғурта компанияси» акциядорлик жамиятига «B» (Fair) молиявий барқарорлик рейтинги ва «bb» (Fair) узок муддатли кредит рейтинги тақдим этилган. 2022 йил 16 мартда рейтинг қайта тасдиқланган. Рейтинг берган ташкилотнинг тўлиқ номи: «A.M. Best Rating Services» Incorporated 3. 2005 йилда «Ахбор-рейтинг» рейтинг агентлиги биринчи марта «Ўзбекивест» экспорт-импорт суғурта компаниясига миллий миқёсда «uzA+» - «жуда юқори молиявий ишонччилик» даражасида ишонччилик рейтингини тақдим этган. 2008 йил июнь ойида рейтинг «uzA++»нинг энг юқори даражасига кўтарилди. Рейтинг берган ташкилотнинг тўлиқ номи: «Ахбор-рейтинг» рейтинг агентлиги
чиқарилган акциялар тури	имтиёзли
чиқарилишдаги акциялар миқдори	14110820
чиқарилишдаги акциянинг номинал қиймати, сўмда	1000

чиқарилишнинг умумий ҳажми, сўмда	14110820000
Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари	<p>Жамиятнинг имтиёзли акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш; • ўзига тааллуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш; • Жамият фойдасининг бир қисмини қонунчиликда ва уставда белгиланган тартибда дивидендлар тарзида олиш; • Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш; • қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда, акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш; • Жамият молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш; • олган дивидендини эркин тасарруф этиш; • қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; • ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш; • ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш; • қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурга қилиш; • Акциядорлар Жамият Уставида ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.
аксияни жойлаштириш усули, шунингдек ёпиқ обуна бўлган тақдирда, жойлаштириш амалга ошириладиган шахслар доираси кўрсатилади	Ушбу чиқарилишдаги акциялар очик обуна орқали жойлаштирилади
Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси	<p>Акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдиришномаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунига бошланади.</p>
Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси	<p>Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.</p>

<p>Акциялар жойлаштирилишининг тартиби</p>	<p>Кўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси (андеррайтер) «КАПИТАЛ – ДЕПОЗИТ» МЧЖ томонидан амалга оширилади. Кўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 35-36-моддаларига асосан Жамият акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилади. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи, имтиёзли ҳуқуқ тўғрисидаги билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган пайтдан бошлаб 14 (ўн тўрт) кун давомида амал қилади. Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилганда акциядорлар билан ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) қимматли қоғозлар бозорида тўғридан тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битим тузиш йўли билан жойлаштирилади ва хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан рўйхатга олинади. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар очик обуна орқали чекланмаган инвесторлар орасида “Тошкент” Республика фонд биржаси (Тошкент РФБ) савдо майдончаларида (листинг) жойлаштирилади. Тошкент РФБда акцияларни жойлаштириш бўйича битимлар, ушбу биржанинг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.</p>
<p>Акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби</p>	<p>Ушбу чиқарилишдаги акциялар инвесторларга, шунингдек имтиёзли ҳуқуқга эга шахсларга ҳам, 1 000 (бир минг) сўм қийматда жойлаштирилади.</p>
<p>Акцияларни учун тўлов усули</p>	<p>Акциялар учун тўловлар пул ўтказиш йўли билан юридик шахслар учун нақдсиз шаклда, жисмоний шахслар учун нақд ва нақдсиз шаклда, шу жумладан пластик карталар орқали ҳам амалга оширилади. Акциялар учун тўловлар пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда амалга оширилади. Акциялар учун пул тўловлари «O'zbekinvest» EISK» АЈнинг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 11-даха, 32А-уйда жойлашган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг (қисқача - Ўзмиллийбанк) Юнусобод филиалидаги 2021 6000 8005 9868 2001 ҳисоб рақамига қабул қилинади. Банк коди: 00836 Жамият акциялари учун тўловлар акцияларни жойлаштириш муддати ичида амалга оширилиши керак. «Тошкент» РФБ орқали амалга ошириладиган олди – сотди битимлари бўйича ҳисоб – китоб қилиш тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Тўловлар нақдсиз</p>

	шаклида – «Тошкент» РФБ махсус депозит рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамият органи ва қарор қабул қилинган сана	Акцияларнинг ушбу чиқарилиши бўйича қарор «O'zbekinvest» EISK» АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 12 октябрдаги мажлиси қарори билан қабул қилинган.
Жамият уставида белгиланган акцияларни чиқариш бўйича ҳар қандай чекловлар, жойлаштирилган акцияларни сотиб олувчиларга чекловлар	Жамият Уставида чиқарилишдаги акцияларни олинishiга нисбатан ҳеч қандай чеклашлар белгиланмаган.
инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадларга солиқ солиш	Инвестор томонидани сотиб олинадиган акциялар бўйича олинадиган даромадни солиққа тортиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ қонунчилигига асосан амалга оширилади.
акцияларни чиқаришдан мақсад	Жамиятни ривожлантириш ишларни амалга ошириш учун инвестиция маблағларини жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сонли фармони бажарилиши таъминлаш.
Келгуси облигациялар чиқарилиши шартлари	Ушбу чиқарилишда облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.
қимматли қоғозлар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда, қимматли қоғозлар учун тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган активлар рўйхатини кўрсатиш	Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун пулдан ўзга воситалар билан ҳақ тўлаш кўзда тутилмаган.
жойлаштирилмаган тақдирда эмиссиявий қимматли қоғозларнинг улуши чиқарилмаган деб ҳисобланади (бундай улуш эмиссиявий қимматли қоғозлар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда аниқланиши мумкин эмас)	Ушбу акцияларнинг жойлаштириш муддати ичида ушбу чиқаришдаги акциялар умуман (бир донаси ҳам) жойлаштирилмаган тақдирда, ушбу чиқарилиш амалга олмаган деб ҳисобланади
қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда эмитент томонидан қимматли қоғозлар учун тўлов сифатида олинган пул маблағларини қайтариш тартиби	Акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширилади: «O'zbekinvest» EISK» АЖ томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга олмаган деб топиш муҳим факти – 28) «O'zbekinvest» EISK» АЖ расмий вэб - сайтида (www.uzbekinvest.uz), «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси расмий вэб - сайтида (www.uzse.uz), Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва оммавий ахборот воситаларида ошкор этилади. Акциялар чиқарилуви амалга олмаган деб топилган санадан сўнг 5 (беш) иш куни давомида акциялар учун тўланган маблағлар Жамият томонидан акциядорларнинг аризаларида кўрсатилган банк ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш орқали қайтарилади.
қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни, шу жумладан тўлиқ фирма номини, шунингдек тегишли фаолиятни амалга ошириш учун лицензия тоғрисидаги маълумотларни сақлаш ва қайд этиш тартиби	«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат унитар корхонаси; 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй; телефон: (0 371) 267-37-42. e-mail: info@deponet.uz сайт: www.deponet.uz «KAPITAL – DEPOZIT» масъулияти чекланган жамияти, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 25, телефон: (0 371) 286-20-31; e-mail: info@kapdepo.uz , веб-сайт: www.kapdepo.uz . Лицензия рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати – 1196-сонли, 2015 йил 27 апрелда берилган, амал қилиш муддати чекланмаган; Лицензияни берган орган - Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази.
эгаллик ҳуқуқини ҳисобга олиш бўйича асосий маълумотлар	кўзда тутилмаган
қимматли қоғозларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотлар	Акцияларни жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатувчи андеррайтер: Тўлиқ фирма номи – «KAPITAL – DEPOZIT» масъулияти чекланган

(андеррайтерлар)тўғрисидаги маълумотлар	жамияти; Қискартирилган фирма номи - «KAPITAL – DEPOZIT» МЧЖ; Жойлашган манзили ва почта манзили – 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 25; Телефон – (0 371) 286-20-31; Лицензия рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати – 1196-сонли, 2015 йил 27 апрелда берилган, амал қилиш муддати чекланмаган; Лецензияни берган орган - Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази.
Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари	Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши шарт бўлган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz), эмитент веб-сайтида (www.uzbekinvest.uz), "Тошкент"РФБ веб-сайтида (www.uzse.uz) ва Биржа газетасида эълон қилинади.
акциялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари)	Тўлиқ номи: «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти. Жойлашган ери ва почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй. Телефон: +998 71 267-18-23; +998 71 267-18-21; +998 71 267-18-71. Корпоратив веб-сайти ва электрон почта манзили: www.uzse.uz ; info@uzse.uz .
савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари	Тўлиқ номи: «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти. Жойлашган ери ва почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй. Телефон: +998 71 267-18-23; +998 71 267-18-21; +998 71 267-18-71. Корпоратив веб-сайти ва электрон почта манзили: www.uzse.uz ; info@uzse.uz .
хавф омиллари	<p>Жамият фаолиятига қисман турли даражада таъсир ўтказиши мумкин бўлган учта асосий хавф-хатарлар мавжуд:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Табiiй ва техноген фожиялар хавфи. Ушбу фожиялар жамият фаолиятига етарлича таъсир ўтказа олади, бироқ Жамиятда етарли даражадаги суғурта захиралари ва қабул қилинаётган суғурта мажбуриятларни глобал даражада қайта суғурталаш химояси мавжуд. 2. Хусусий суғурта ташкилотларининг кучайиши ва янги рақобатчиларни пайдо бўлиши билан боғлиқ хатар. Бунда, бошқарув тизимининг мослашувчанлиги ва хўжалик битимларини тезлаштирилган холжа тузиш имконияти туфайли, хусусий суғурта ташкилотлари мижозларни жалб этиш бўйича нисбатан кескин сиёсат олиб бориши мумкин. Бу Жамият мижозлар базасининг камайишига олиб келиши мумкин. 3. Малакали кадрларнинг Жамиятнинг рақобатчиларига ўтиб кетиши билан боғлиқ хавф-хатар. «O'zbekinvest» EISK» AJ тарихдан буён кучли таълим базасига ва суғурта фаолтиятининг турли тармоқларида кўп йиллик тажрибага эга экани сабабли, рақобатчи-суғуртачиларда Жамиятнинг муҳим тажрибали ходимларини суғурта фаолиятининг турли йўналиши бўйича жалб қилиб олиш истаги мавжуд.
иқтисодий (эмитентнинг фаолият соҳасининг инфляцияга таъсири, қайта молиялаш ставкасининг компаниянинг айланма маблағларини шакллантиришга таъсири ва бошқалар.)	<p>Жамият томонидан катта хавфлар суғурталанганда суғурта мажбуриятларининг 95 фоизигача бўлган қисми қайта суғурталашга берилади. Суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда суғурта тўловининг 95 фоизигача бўлган қисми қайта суғурталовчи компания томонидан қоплаб берилади.</p> <p>Валюта курсининг кескин ўзгариши (ошиши) Жамиятнинг ҳорижий валютади инвестицияларидан валюта курси фарқларидан даромадларнинг ошишига олиб келади.</p> <p>Мамлакатдаги пул-кредит сиёсатидаги салбий ўзгаришлар ва фоиз ставкаларининг ошиши, шунингдек, инфляциянинг сезиларли даражада ўсиши Жамият фаолиятининг молиявий натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.</p>

<p>рақобат (саноатда шунга ўхшаш маҳсулотларни арзонроқ нархларда ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг мавжудлиги)</p>	<p>Асосий тармоқ хавф-хатари сифатида хусусий суғурта ташкилотларининг кучайиши ва янги рақобатчиларни пайдо бўлиши ҳисобланади. Бунда, бошқарув тизимининг мослашувчанлиги ва хўжалик битимларини тезлаштирилган ҳолда тузиш имконияти туфайли, хусусий суғурта ташкилотлари мижозларни жалб етиш бўйича нисбатан кескин сиёсат олиб бориши мумкин. Бу Жамият мижозлар базасининг камайишига олиб келиши мумкин.</p>
<p>ижтимоий (ушбу минтақада зарур мутахассисларнинг етишмаслиги, минтақадаги вазиятга ходимлар сонининг камайиши, ижтимоий объектларни сақлаш корхонасининг бюджетига таъсири)</p>	<p>Малакали кадрларнинг Жамиятнинг рақобатчиларига ўтиб кетиши билан боғлиқ хавф-хатар. «O'zbekinvest» EISK» AJ тарихдан буён кучли таълим базасига ва суғурта фаолтиятининг турли тармоқларида кўп йиллик тажрибага эга экани сабабли, рақобатчи-суғуртачиларда Жамиятнинг муҳим тажрибали ходимларини суғурта фаолиятининг турли йўналиши бўйича жалб қилиб олиш истаги мавжуд</p>
<p>техник (ускунанинг бир қисмини кийиш ва бошқалар.)</p>	<p>Жамият ишлаб чиқариш билан шуғулланмаги сабабли, катта техник хавф-хатарлар мавжуд эмас. Жамиятдаги ахборот инфратузилмаси серверлар, локал тармоқ ва телекоммуникация қурилмаларидан ҳамда компьютерлардан ва ташкилий техникадан (принтер, сканер, кўп функцияли қурилмалар ва ҳк.) иборат. Жамият ахборот инфратузилмасининг узлуксиз ишлаши учун кўриладиган тадбирлар комплекси ўз моҳиятига кўра техник хавф-хатарларни камайтиришга қаратилган.</p>
<p>экологик (экологик қоидаларни бузганлиги сабабли корхонанинг ёпилиши мумкин ва ҳоказо.)</p>	<p>Экологик хавфларни камайтириш Жамият томонидан амалга оширилади. ESG-қун тартибини бир қисми ҳисобланади. Жамият ишлаб чиқариш билан шуғулланмаги сабабли унинг экологияга салбий таъсири қузатилмайди. Шунга қарамасдан, Жамият суғурта шартномаларини тегишли тартибда тузилаётганда ва улар билан боғлиқ таъриф ставкаси ҳисобланаётганда, экология ва атроф муҳитни ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган хавф-хатарлар инobatга олинади.</p>